ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЁЛҚИНЛИ ҚАНОТИ ЖАҲОН БЎЙЛАБ ЁЗИЛМОҚДА

Ўзбекистон овози

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918—1920 й.), «Қизил байроқ» (1920—1923 й.), «Туркистон» (1923—1924 й.), «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й.), «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 34 (21. 153) 1992 йил 17 февраль, душанба ● Баҳоси 60 тийин.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов билан АҚШ давлат котиби Ж. Бейкернинг мулоқоти пайти.

• Хуш келибсиз, Жеймс Бейкер жаноблари!

• Ташрифингиздан хурсандмиз!

•Эзгу тилакларимизни, миннатдорчилигимизни Президент Бушга етказинг!

* WELCOME MR. JAMES BAKER!

* WE ARE GLAD TO SEE YOU HERE!

* PLEASE, GIVE OUR BEST REGARDS TO PRESIDENT BUSH!

АҚШ давлат котиби ЖЕЙМС БЕЙКЕР Ўзбекистонда

ОЛАМШУМУЛ ТАРИХИЙ ВОҚЕА

ТАШРИФНИНГ БИРИНЧИ КУНИ

МЕН қайтадан Америка очмоқчи эмасман. Бу юмушни Колумбдан анча илгарироқ яшаган аждодларимиз бажариб қўйишган. Биз эса ўзимиз учун бутунлай янги Американи, ўз Конституциясини бундан 205 йил олдин қабул қилган кенг имкониятлар мамлакатини, иқтисодиёти юксалган демократия давлатини кашф этяпмиз. Бу қадим Осиё, кўҳна Оврўпонинг илғор ғоялари, умуминсоний қадриятлари билан йўғрилиб ривожланган буюк диёрдир.

Бир юз ўттиз йил ҳукм сурган мустамлакачилик занжиридан халос бўлиб, истиқлол йўлини танлаган жонажон Ўзбекистонимиз ташқи оламга дадил чиқиб бормоқда, юзга яқин давлат қатори бизни Америка Қўшма Штатлари ҳам тан олди. Мустақил Ўзбекистон Республикаси шундай буюк давлат билан тенг асослардаги муносабатларни дадил ўрнатмоқда.

1992 йил 15 февраль кечқурун соат 19 да Тошкентга АҚШ давлат рамзи тасвири тушилган улкан ҳаво кемаси етиб келди. Америка Қўшма Штатлари давлат котиби Жеймс Бейкер Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрди. Бу республика тарихида биринчи марта АҚШ давлат котиби даражасидаги расмий ташрифдир. Мустақил Ўзбекистон биринчи бор Қўшма Штатлар давлат котибини қабул қилмоқда. Америка Қўшма Штатлари ва Ўзбекистон Республикаси Давлат байроқлари билан безатилган Тошкент-2 аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов АҚШ Давлат котиби Жеймс Бейкерни самимий кутиб олди...

И. А. Каримов ва Ж. Бейкер тушган махсус автомашиналар юксак мартабали меҳмон учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

ЎША куни оқшомдаёқ Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ва АҚШ давлат котиби Ж. Бейкер ўртасида дастлабки мулоқот бўлиб ўтди.

Оқшомги учрашувда Бош вазир А. М. Муталов, Олий Кенгаши Раиси Ш. М. Йўлдошев, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов, ташқи ишлар вазири У. А. Абдураззоқов, ташқи савдо ва иқтисодий алоқалар давлат комитетининг раиси Ў. Т. Султонов, Тошкент шаҳри ҳокими А. И. Фозилбеков иштирок этдилар.

●

ТАШРИФНИНГ ИККИНЧИ КУНИ

16 февраль эрталаб соат 8.30 да Ўзбекистон Президенти саройида икки давлат раҳбарлари ўртасида мулоқотлар давом эттирилди. Президент И. А. Каримов, АҚШ давлат котиби Ж. Бейкер музокаралар залига кириш олдидан журналистлар билан қисқа суҳбат учун тўхталдилар. Биринчи савол хорижлик ҳамкасбларимиз томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентига берилди. И. А. Каримовдан элчихоналар очилиши, ғарб ёрдами масаласидаги фикрлари ва рақобатчи сиёсий гуруҳлар билан иш олиб бориш масаласига унинг муносабатини сўрашди.

— Ўзбекистон БМТга аъзо бўлиб кириш учун тавсия этилган. Ҳозир бизни юзга яқин давлат тан олди. Уларнинг кўплари билан дипломатик ваколатхоналар, элчихоналар алмашиш ҳақида келишиб олинди. Бошқа давлатлар билан ҳам дипломатик алоқалар ўрнатишга тайёрмиз.

Ўзбекистон ташқаридан, четдан ҳеч қандай тазйиқ ўтказилмайдиган очиқ-ошкора жамият қуришга интилмоқда. Бу интилишнинг далили сифатида биринчи бор, ўзингизга маълум, қўшни баъзи республикалардан фарқли ўлароқ бизда президент сайлови муқобиллик асосида ўтказилди. Бизда битта партия хукмрон бўлиб қолмайди. Рақобатчи партиялар ҳақида шуни айтиш мумкинки, улар энди оёққа туряптилар.

Ғарб матбуоти кўпинча ахборотни Москва оммавий ахборот воситаларига асосланиб учинчи, баъзан тўртинчи қўлдан олади. Бу галги сафарда воқеликни ўз кўзингиз билан кўриб холис хулоса чиқарасиз деган умиддаман.

— АҚШ давлат котиби Ж. Бейкер элчихона айирбошлаш масаласи ва ҳар икки томонга тааллуқли бошқа айрим муаммолар хусусида суҳбат олиб борилаётгани, бу ҳақда ватанга қайтгач, батафсил ахборот беришини айтди.

Кунниг иккинчи ярмида Ж. Бейкер Самарқандга борди, кўҳна шаҳарнинг жаҳонга машҳур меъморчилик обидаларини кўздан кечирди. Давлат котибига сафарда И. А. Каримов ҳамроҳлик қилди.

АҚШ давлат котибининг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи якунида Ўзбекистон ва чет эл журналистлари учун матбуот конференцияси ўтказилди. И. Каримов ва Ж. Бейкер журналистларнинг саволларига жавоб бердилар.

16 февраль кеч оқшом АҚШ давлат котиби Москвага жўнаб кетди.

1992 йил 15—16 февраль кунлари мустақил давлатимиз тарихига оламшумул воқеа сифатида ёзилади. Бу Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги давлатлараро муносабатлар олтин китобининг дастлабки саҳифасидир.

А. АБДУБАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ЎзА.

● Мулоқот олдидан.

Суратларни махсус мухбиримиз В. МОЛГАЧЕВ олган.

Тенг ҳуқуқли халқлар орасида тенг бўлиш — халқимизнинг асрий орзусидир.

Шунинг учун биз ўз мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш йўлида янги қадамлар қўйишимиз шарт.

(Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари VI сессиясида сўзлаган нутқидан).

●

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг халқаро миқёсда эътироф этилиши, унинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши тарафдоридир. У Ўзбекистон ташқи сиёсатини ўз халқининг манфаатлари йўлида белгилаб, халқаро муносабатларда мустақил ва тенг ҳуқуқли субъект сифатида майдонга чиқишини маъқуллайди.

(Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Дастуридан).

Ўзбекистон жаҳон нигоҳида

Қардош Ўзбекистон халқининг мустақиллигини тан олган илк давлат бўлишдан ва бу тарихий қарорнинг ҳаммамиз учун ғоятда самимий ва самарали бўлган сафарингиз чоғида қабул қилинганидан алоҳида бахтиёрлик ҳисларини туймоқдамиз.

Туркия жумҳурияти Бош вазири Сулаймон ДЕМИРЭЛнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовга телеграммасидан.

●

Мамлакатингизда юз берган тарихий ўзгаришларни ва собиқ Совет Иттифоқи республикаларини бирлаштириб турган Иттифоқнинг тугаганлигини ҳисобга олиб, Қўшма Штатлар ҳукумати Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида таниганлигини Сизга хабар қилишдан мамнунман.

АҚШ Президенти Жорж БУШ.

ЎЗБЕКИСТОН—ТУРКИЯ

ЎЗГА ЭМАС, ЎЗ ЖОНИМСАН!

ТУРКИЯ ҲАМ ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАРИГА БАХШИДА

Азиз болажонларим!

Сиз кўриб турган сурат Туркия жумҳуриятининг жаннатмакон Измир шаҳрида олинган. Тенгдошингизга қаранг, Ўзбекистондагидек дўппи, чопон кийиб, шойи белбоғ тақиб олган. Яхши-я, ярашганини кўринг!

Уни мустақил Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов кўтариб турибтилар. Сиз катта бўлиб эслаб юрадиган тарихий кунда — 1991 йилнинг 29 декабрида ота-оналарингиз, устозларингиз, акаларингиз, опаларингиз, тоға ва аммаларингиз сайлаб қўйган Ўзбекистон Республикасининг Президенти — элюрт сардори жуда болажон, жажжи ўғил-қизларни жону дилидан яхши кўрадиган меҳрибон ота бўлганларидан туркиялик тенгдошингиз Отабекни бағриларига босиб, ўпиб, кўтариб, ўзга эмас, ўз жонимсан, деб турибтилар.

Туркия узоқ-ку, қандай қилиб суратга тушишган? Қандай қилиб ўзбек болалари у ерга бориб қолишган дейсизми? Ақли бутун, зийрак болаларсизда, жуда тўғри савол бераяпсиз!

Ҳозир айтиб бераман.

1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон Республикаси Мустақил деб эълон қилинди. Шундан кейин давлатимиз, Халқ демократик партиямиз раиси Ислом ота Каримов, бир гуруҳ вакиллар билан Ўзбекистон ва Туркияни дўстлаштириш учун ўтган йилнинг 16—19 декабрида — тўрт кун Туркия сафарида бўлдилар. Улар Туркиянинг учта катта шаҳрида — Анқарада, Истамбулда, Измирда бўлишди. Ўшанда Отабек салом бериб, кўришгани келди.

Мен ўзбек болаларини Америка Қўшма Штатларида ҳам, Ҳиндистонда ҳам кўрганман. Улар дунёдаги бошқа кўплаб чет эл мамлакатларида ҳам яшашади, ўқишади, ишлашади.

Америкада Абдурауф ака Мақсудий, Абдулла ака Чиғатой деган ўзбек амакиларни кўрганман. Улар билан гаплашсам, уч-тўрт ёшликларида ота-оналари билан Ўзбекистондан чет элларга чиқиб кетишга мажбур бўлишган экан.

Ҳозир мен сизларга айтсам, уларнинг ота-оналари юртларидан ўз хоҳишлари билан эмас, балки мажбуран, йиғлаб чиқиб кетишган, ўртоқларидан, ўрганган уй-жойларидан, маҳаллаларидан, шаҳарларидан ажраб қолишган. Ана шундай амакилар чет эл мамлакатларида кўп. Сиз сўраган, суратга тушган тенгдошингиз Марғилондан Туркияга бориб қолган шундай амакижонларнинг фарзандлари, невара-чеваралари экан.

Ислом отангиз туркиялик ўзбек бола — Отабекни кўтариб олиб, жуда яхши гапни айтдилар. Улар дедиларки:

— Биз Туркияда, унинг хушҳаво, чиройли Измир шаҳрида ватандошларимизни, Ўзбекистондан чиққан жигарларимизни кўриб қувондик.

Сен болам, ота-боболарингдек ўз юртингни — Туркистонни — Ўзбекистонни кўролмай, унга етолмай, айрилиқ дардида армонда ўтмайсан. Аждодларинг ҳоки ётган табаррук заминни, албатта кўрасан. Сен Ўзбекистон паспортига эга бўласан!

Ишончим комилки, Отабекнинг ота-онаси туғилган диёрлари — Ўзбекистон тўғрисида ҳикоялар айтиб беришган. Унинг чиройли, бой ўлка эканлигини кўп эслашганидан тушларига ҳам кириб чиқишини эшитганман. Мактабларда тенгдошларинг текинга ўқиётганини тинглагансан. Сенинг ҳам кўргинг келиб кетган, аммо илгари йўл берк бўлган. Ота-онанг армонда, сен ноилож ҳижронда қолгансан. Бир чеккаси ўша вақтда келмаганинг ҳам, кўрмаганинг ҳам яхши бўлган. Ота-онанг таъриф этгандек обод диёрни, озод тенгдошларингни кўролмай, ҳеч нарсага тушунолмай маъюс уйингга қайтардинг. Мана энди марҳамат, бемалол келавер. Тенгдошларинг даври энди бошланди, орзулар ушалди. Ўзбекистон мустақил озод республикага айланди. Энди ликда бу ўлкани ҳеч ким ташқаридан зўрама-зўраки ўз измига сололмайди. Бойликларини ўзига едирмай-ичирмай, ташқарига ташиб кетолмайди. Пешона тери билан, меҳнат қилиб топган ҳалол мол-дунёсини ўзи ишлатади, Ўзбекистонини ободончилигига, гуллаб-яшнашига, дастурхонини тўкин бўлишига сарфлайди. Сен каби ўғил-қизларининг соғлом бўлиб туғилиб, ўсиб-улғайишларингиз учун, ўқиб-ўрганиб ота-боболарингиз Абу Али ибн Сино, Беруний, Улуғбек, Алишер Навоий сингари доно олим, буюк инсон бўлиб вояга етишишларингиз учун имконият яратилади.

Ҳа, ҳозирги Президентимиз, мустақил Ўзбекистоннинг отахони, раҳбари Ислом ота Каримов шу мақсадларни кўзлаб Туркияга, сен яшаётган Измир шаҳрига борди.

Ислом ота Туркияда сенинг Ўзбекистонга бориб ўқишинг, билим олишинг, хоҳласанг яшаб-яшнаб улғайишингни келишиб олди. Ўз навбатида ота-боболаринг туғилган Ўзбекистон фарзандларининг Туркияда ўқиши, тажриба ўрганиши, сен билан дўстлашиши, узилган алоқаларни улаши учун рухсат олди.

Истиқболда, азиз жигарбандларимиз Ўзбекистон билан Туркия мамлакатлари икки туркий юрт тарихи, урф-одати, тили, дили бир халқ эканлигини яна чуқур англаб дўстликда яшайди. Бугун шунга асос солинди. Йиллар ўтар, улғайиб олам таниганингда унутма ўғлим, Ўзбекистоннинг ҳурматли карвонбошиси Ислом ота Каримов сени яхши ният билан бағрига босиб, баланд кўтарган эди, манглайингдан ўпиб, пешонанг кўҳлик, толеинг баланд бўлсин, деган эди! Улғайиб, бахтингни топиб, яхши кунлар насиб этганда ота-онангнинг армони ушалиб, озод, обод Ўзбекистонни кўрганингда баралла:

— Ислом ота, орзуларингиз ушалди. Мен она-Ватан тупроғида эркин юрибман, ўзлигимни таниган ўзбекман, десанг, олам нурга тўлади, руҳлар шод бўлади!

Халқ сенга, «Яша, ота ўғил! Омон бўл!» деб дуо қилади. Ўзбекистон ва Туркия, Туркияда туғилган ўзбек ва Ўзбекистонда таваллуд топган ўзбек бирлашиб, дунёга ўзлигингизни намоён этасиз!

Ҳа, армон билан ўтмайсан бўтам!

Расул РАҲМОНОВнинг сафар таассуротларидан.

БИЗНИНГ СУҲБАТ

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари илмгоҳининг иссиқлик техникаси кафедраси доценти, техника фанлари номзоди Олимжон Пўлатов 1989 йил октябрь ойидан 1990 йил февралигача ва 1991 йил май—июнь ойларида Америка Қўшма Штатларида бўлиб қайтди.

Қуйида унинг махсус мухбиримиз билан қилган суҳбатини эътиборингизга қавола этяпмиз.

Амалий ҳамкорлик

— Сафарингиздан асосий мақсад нима эди?

— Асосан мен илмий стажировка ниятида борган эдим. Сафарим натижаси ўлароқ «АҚШда пахта етиштириш соҳасида ёнилғини тежаш технологияси» мавзуда илмий иш ёзиб тугалладим. Иккинчи боришимда эса Техас штатидаги Бейлор дорилфунуни ва Арканзасдаги Вочита дорилфунуни билан илмгоҳимиз ўртасидаги шартномани имзолашга эришдик.

— Уларда қандай амалий тадбирлар белгиланган?

— Биринчидан, талабалар алмашамиз. Ҳар йили бизга ўн нафаргача талаба ўша дорилфунунлардан келишади. Биздан ҳам у ерга боришади. Бундан ташқари, аспирантлар, илмий ходимлар, профессор-ўқитувчилар ҳам таширифбуюришмоқда.

— Нима янгиликларни тавсия этишди?

— Экологик тоза пахта етиштириш, тупроқ эррозиясини камайтириш ва далада техника воситаларидан иложи борича тежамли фойдаланиш, уларни камроқ юргизиб, ёнилғини тежаш йўлларини тавсия этишди. Техас қишлоқ хўжалиги ва механика дорилфунуни лабораториясининг доктори Жон Морресон шу иш билан изчил шуғулланиб, бизга биргаликда амалий ёрдам кўрсатмоқда.

— Ҳа, бунинг аҳамияти биз учун катталиги равшан. Ахир, бизда пахта ва бошқа маҳсулотларни етиштиришда кимёвий ўғитларга зўр берилади. Бу эса экологик тоза маҳсулот олишга ҳалақит беради, шундай эмасми?

— Дарвоқе, АҚШда бунга чек қўйиш юзасидан қаттиқ тадбирий чоралар кўрилади. Масалан, катта жарималар солинади. Агар фермерлар ўз далаларида экологик тоза пахта етиштирсалар, уларга моддий жиҳатдан ёрдам берилади ва уларнинг етиштирган ҳосилларини қимматроқ нархларда сотиб оладилар. Бу иш штат ва федерал идоралар томонидан амалга оширилади.

— Илмгоҳда яна қандай ҳамкорлик ришталари йўлга қўйилапти?

— Биз фақат АҚШ олимлари билангина эмас, Ҳиндистон, Хитой, Англия, Германия ва бошқа хорижий мамлакатлар илмгоҳлари билан ҳам алоқа боғлаяпмиз. Бизнинг илмгоҳимиз қошида чет эллик мутахассисларни тайёрлайдиган факультет ишлаб турибди.

Илмгоҳимиз ректори Оқил Умрзоқович Салимов АҚШ ва Ҳиндистоннинг қишлоқ хўжалиги соҳасида иш олиб бораётган олимлари билан амалий шартномалар тузишга шахсан бош-қош бўлмоқдалар. Чет эл тажриба ва моделларини ўзимизда тезроқ қўллаш юзасидан профессорлар, мутахассислар ва иқтидорли талабаларнинг маслаҳат кенгашлари тез-тез ўтказиб турилибди. Энди асосий эътибор ана шу бой билим ва тажрибаларни иложи борича амалиётимизга тезроқ татбиқ этишга баҳоли-қудрат ўз ҳиссамизни қўшсак деймиз.

— Хайрли ишларда муваффақият ёр бўлсин.

Суҳбатдош Ҳ. ИКРОМОВ.

САХОВАТ

Ўтган ҳафталарда Америка Қўшма Штатларининг иккита ҳарбий самолёти Тошкент тайёрагоҳига келиб қўнди. Океан ортидан учган пўлат қанотли қушлар саховат юкларини ола келди. Уларга ҳаммаси бўлиб 36 тонна дори-дармонлар, табобат ускуналари, болалар озиқ-овқатлари ортилган эди.

Биринчи самолёт юклари Тошкент давлат тиббиёт олийгоҳининг 1 ва 2-шифохоналари, шаҳар «тез ёрдам» бошқармасининг касалхонаси, 6-туғруқхона, травматология ва ортопедия илмгоҳи шифохонасига топширилди.

2-самолёт юклари 22 тоннадан иборат бўлиб, улар қуруқ сут, озиқ-овқат, антибиотик дори-дармонлардан иборат.

Америка ва Европа ҳамжамият давлатлари ташаббуси билан уюштирилган бу инсонпарварлик сафари Ўзбекистон шифохоналаридаги тақчилликни юмшатишда, чор-ночор кишиларнинг дастурхонини бадастур қилишда озми-кўпми мадад бўлади.

Саховат юкларини ўз эгаларига аниқ тарқатиш ишларида бош-қош бўлиш учун АҚШ давлати вакиллари Мартин Фолан, Жеймс Лехи 5 февраль куни Тошкентга келишган эди. Улар Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа муассасаларнинг вакиллари билан ҳамжиҳатликда ишлаб, юкларни адолатли тақсимлашмоқда. Америкалик саховат соҳиблари «Ўзбекистон овози» рўзномаси мухбирини қабул қилиб, ўз қувончларини бажонидил гапириб беришди.

— Аввало бир нарсани айтиб ўтиш ўринлидир. Сизнинг одамларингиз кўрсатган самимият ва меҳмондўстлик бизларни беҳад ҳурсанд қилди. Бу юксак даражадаги илтифотдир.

Биз саховат юкларини тарқатиш ва етказиб бериш лозим бўлган масканларни ўз кўзимиз билан кўриб ўрганиб чиқдик. Бундай шифохоналарга чиндан ҳам ёрдам бериш керак. Иккинчи самолётдан тушириб олинган юклар тегишли омборхонада турибди. Уларни эгаларига тақсимлаш бугун-эрта ҳал бўлади.

— Бейкер сафари республикамиз учун муҳим воқеа. Сизлар бунга муносабатингизни билдира оласизларми?

— Бейкернинг сафари икки давлат бошлиқлари олиб борадиган халқаро учрашувдир. Ишқилиб, унинг натижаси яхшиликка буюрсин. Лекин энг муҳими биз назоратчилар ҳозирча ўз юмушларимиз билан бандмиз.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка қадам қўйган экан, биз америкалик назоратчилар бу тарихий воқеани муборакбод этамиз. Жаҳон мамлакатлари бу заминга яқиндан амалий ёрдам кўрсатишлари зарур, деб ўйлаймиз.

— Хизмат тақозоси билан саёҳат завқи ҳам юз бердими?

— Бизлар пайтдан фойдаланиб Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига бориш иштиёқида эдик. Начора вақт етишмаяпти. Лекин Чимён бағридаги Ғазалкент сафарида инъомларни тарқатиш чоғида тоғ манзараларининг чиройига мафтун бўлдик. Яқин кунларда яхши таассуротлар билан Тошкентдан жўнаб кетишимиз лозим.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

ИЛТИЖОИМИЗ МУСТАЖОБ БЎЛДИ

Абдурауф МАҚСУДИЙ,

ТОШКЕНТДАГИ «ЭЛ» ЎЗБЕКЛАР ХАЛҚАРО УЮШМАСИНИНГ РАИСИ

Биз Америкада яшовчи ўзбеклар жуда кўп йиллардан буён қадимий диёримиз осмони узра истиқлол онлари келишини доимо яратган парвардигорнинг ўзидан сўраб келар эдик. Ҳорижий элларда яшаётган бир неча миллион ўзбекларнинг ҳам илтижоси тангри таоллога етиб бордимикан, ўша биз орзу қилган кунлар ниҳоят қучоқ очиб келди.

Ўзбекистон мустақилликни ўз қўлига олди. Чинакам ҳуррият байроғи ҳилпирамоқда. Ўтган куни кечқурун АҚШ Давлат секретари жаноби Жеймс Бейкернинг бу заминга биринчи бор расмий ташрифи ер курраси мамлакатлари давлатлари раҳбарлари кутиб турган қувончли воқеа бўлди. Чунки, собиқ Совет Иттифоқи ўлкаларида ҳозирги пайтда юз бераётган қатор ўзгаришлар даврида Ўзбекистон ҳукумати раҳбарлари АҚШдек ғоят тараққий этган бир мамлакатнинг давлат арбоби билан Тошкентдек муқаддас азим шаҳарда музокаралар олиб боришгани ғоятда катта халқаро аҳамиятга молик воқеадир. Чунки, жаҳондаги тўқсондан ортиқ мамлакат ардоқли Ўзбекистон билан ўзаро дўстлик алоқаларини олиб боришга жазм этаётган экан, АҚШ ҳукумати йирик бошлиғининг бу сафари катта дарвозаларни кўпчилик бўлиб очишда яхши хизмат қилади.

Мен ҳам шу диёрнинг бир фарзанди бўлиб, бир йилга яқин вақтдан бери унинг азиз тупроғини тавоф этаётганимдан, ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олаётганимдан, зилол сувларидан мириқиб ичаётганимдан, табаррук нонини ушатаётганимдан бошим осмонга етди. Ўзбекистон ҳозир машақатли онларда маромида бўлса ҳам етарли насибаси бор. Бу диёр ташқаридан келадиган ноз-неъматларга кўп ҳам мунтазир эмас. Лекин ўша сохта тузум туфайли ишлаб чиқариш маромида бузилган, тўғри йўлга солинмаган.

Ўзбекистон халқаро миқёсда тараққий этган мамлакатлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиши эса ҳозир жуда ҳам ўринлидир. Чунки, ҳорижда тажрибали саноатчилар, бизнесменлар, тижоратчилар етарлики, уларнинг хўжалик бошқарувидаги замонавий ютуқлари бу заминга фақат фойда келтиради. Халқаро миқёсда ҳамкорлик қилиш халқимизни яқин йиллар ичида мўл-кўлчилик саҳнига олиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Тошкентда «Эл» ўзбеклар халқаро уюшмаси иш бошлашига фотиҳа бериб, катта дадиллик кўрсатди. Бу уюшма қизғин ишламоқда. Унинг ниятлари жуда кўп. Бейкернинг сафари туфайли Америкадаги ўзбек саноатчи ва тижоратчиларининг ҳам Ўзбекистонда фаолият кўрсатишлари учун янги карвон йўллари очилмоқда.

АҚШ олимининг китоби

«ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКЛАР»

Америка Қўшма Штатларининг бир қатор дорилфунунларида Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари тарихи, маданияти, тили ва адабиёти билан атрофлича шуғулланадиган кўпгина истеъдодли олимлар бор. Улардан бири Калифорния вилоятидаги Станфорт дорилфунунининг профессори Эдуард Алверсдир. Бу олим кўп йиллардан буён ўзбек халқининг узоқ ўтмиши ва ҳозирги даври тарихи билан самарали шуғулланиб келмоқда. Олимнинг яқинда нашрдан чиқарилган «Замонавий ўзбеклар» деган йирик оммабоп илмий асари ўзининг салмоқли мазмуни билан диққатни жалб этди. Китоб 410 бетдан иборат.

«Замонавий ўзбеклар» китобида олим XIV асрдан бошлаб ҳозиргача бўлган даврда икки дарё оралиғида жойлашган Мовароуннаҳрда юз берган урушлар, Амир Темур салтанати, вужудга келган турли хонликлар ва бу ҳудуднинг кейинчалик ўзгалар томонидан босиб олиниши, 1917 йилдан кейин юз берган ўзгаришлар ҳақида фикр юритади. Китобда ўзбек халқининг буюк донишманд алломалари Маҳмуд Қошғарий, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур, Алишер Навоий сингари улуғ зотларнинг дунёқараши, тафаккури, ижодига баҳо берилади. Шунингдек, совет даври арбоблари Шараф Рашидов, Ёдгор Насриддинова сингари зотларга ҳам етарли ўрин берилган.

Умуман бу китоб ўзбек халқининг бой ўтмиши, дини, маданияти, миллий урф-одатлари билан ғарб кишиларини яқиндан таништиришга қодир асар. Бизни мамнун этадиган бу китобнинг бир нусхаси Тошкентга келтирилиб, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат кутубхонасининг мулкига айлантирилди.

Хавфсизлик Кенгаши Ўзбекистон Республикасини Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилишни тавсия этувчи 737 (1992 йил) қарорини ҳозиргина қабул қилди. Бу тавсия тез орада қабул этиш жараёнининг якунловчи босқичида Бош Ассамблея томонидан кўриб чиқилади. Кенгаш аъзолари номидан Ўзбекистон Республикасини шу қувончли ва тарихий воқеа билан табриклашдан мамнунман.

БМТ Бош котиби Бутрос ГАЛИ.

●

Мамлакатингизда демократияни таъминлаш ва тараққиёт асосини яратиш йўлидаги ҳар бир қадамингизни зўр эътибор билан кузатиб турдим...

Жаҳон ҳамжамияти доирасидаги халқаро ҳуқуқ ва БМТ Низомига, шунингдек, халқаро шартномалар ва мажбуриятларга амал қиладиган мустақил давлат сифатида Сизни табриклашдан бахтиёрман.

Миср Араб Жумҳуриятининг Президенти Муҳаммад Ҳусни МУБОРАК.

Ўзбекистон жаҳон нигоҳида

Ҳиндистон ҳукуматининг Ўзбекистонни мустақил давлат деб расмий равишда тан олиши ҳақидаги қарорини Сиз, жаноби олийларига шахсан билдирмоқчиман. Бизнинг ниятимиз Сизнинг мамлакатингиз билан дарҳол дипломатия муносабатлари ўрнатишдан иборат.

Ҳиндистон Бош вазири П. В. Нарасимха РАО.

●

Швеция ҳукуматидан Ўзбекистон халқига энг яхши истаклар йўллайман. Швеция ҳукуматининг иккала мамлакат ва халқларимиз ўртасида мустаҳкам дўстона алоқаларни ривожлантириш муддаосини ҳам маълум қилишга рухсат этгайсиз.

Швеция Бош вазири Карл БИЛДТ.

●

Сизнинг раҳбарлигингизда Ўзбекистонда демократиялашган ва бозор иқтисодиётига ўтишга қаратилган ислоҳот амалга оширилишига чин кўнгилдан умид қиламан.

Япония Бош вазири Кити МИЯДЗАВА.

Биз ва хориж

БАНКЛАР АЛОҚАСИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилгандан кейин унинг халқаро ҳамжамият билан иқтисодий алоқалари кенгая бошлади. Жумҳуриятнинг бой табиий ресурслари, хом ашёси, ишлаб чиқарувчи кучлари билан танишган ишбилармон хорижликлар ўзаро манфаатли ҳамкорлик сари қадам ташлашди.

Айниқса, иқтисодиётнинг қон томири ҳисобланган банк тизимида бундай алоқалар фаоллашди. Жумладан, Ўзбекистон саноат қурилиши банки («Упромстройбанк») жумҳурият тижорат банклари орасида биринчилардан бўлиб Швейцария («Швисс Банк корпорейшн»), Германия («Дойче Банк»), Чехословакия («Коммерчни Банк») банклари билан ҳамкорлик ўрнатди. Уларда ўз мухбирлик ҳисобларини очди.

— Яқин кунлар ичида Туркия, Франция, Италия ва бошқа бир қатор давлатларнинг банклари бизнинг ҳамкор-шеригимиз бўлади, — дейди «Узпромстройбанк» бошқарувининг раиси Темур Азимов. — Бу эса мижозларимизга бизнинг ёрдамимиз туфайли Европа ва бошқа минтақалардаги кўплаб мамлакатларнинг фирмалари билан тўғридан-тўғри ҳисоб-китоб ишларини олиб бориш имконини беради.

Темур Саидовичнинг фикрича, Ўзбекистон саноат қурилиши банки жумҳурият ташқи иқтисодий банкига рақобат қилмайди. У ўз йўналишига эга. Унинг мақсади ўз мижозларининг чет эл мамлакатларидаги ишларини ўта фойдали ва аниқ тарзда олиб боришдан иборат. Шунинг учун ҳам мазкур банк ҳорижий ҳамкорлар танлашга алоҳида эътибор бермоқда.

Ҳозир жумҳурият ушбу илғор банкнинг келажагига ишонган кўпгина корхона ва ташкилотлар унинг хизматидан мамнунлик билан фойдаланишмоқда. Масалан, халқаро электр алоқалари маркази, Фағонадаги фуран бирикмалари заводи, «Фергананефтторгси н т е з» бирлашмаси ва бошқалар шулар жумласидандир.

— Ўзбекистон саноат қурилиши банки жаҳон тижорат банклари анъаналарига содиқ қолиб, қанча маблағ қўшганидан қатъи назар ҳар бир мижоз ҳақида қайғуради, — дейди Т. Азимов сўзида давом этаркан. — Биз учун бой ишлаб чиқариш бирлашмасидан тортиб, ҳосил етиштиришдан топган фойдасини бизга ишониб топширган оддий қишлоқ меҳнаткашларигачи — барча мижозлар эъзозлидир. Зотан, бизнинг банкимиз Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқароси манфаатларини кўзлаб ишлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Эндиликда оддий фуқаролар учун хизмат турларини кенгайтиряпмиз. Бу нарса жаҳоннинг йирик банклари тажрибасидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилянти.

Дарҳақиқат, янги йилдан бошлаб ушбу банк яна бир янгиликни жорий этди. Бугунга келиб банк муассасаларида чет эл валютасини ҳарид қилиш ва сотиш пунктлари очилди. Шу йилнинг 2 январидан фаолият кўрсата бошлаган бу пунктларда ҳозир олди-сотди ишлари АҚШ доллари, немис маркалари ва француз франкларида амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон саноат қурилиши банки биноларидан бирига кирсангиз, жаҳоннинг йирик харитасига кўзингиз тушади. Бир вақтлар ундан сиёсий ахборот тадбирларини ўтказишда фойдаланилган экан. Эндиликда банк ходимлари ва мижозлар ушбу ҳаритага қизиқиш билан қарашмоқда. Негаки, бугунги кунда уларнинг иш манфаатлари жаҳон ҳамжамиятининг ҳар бир мамлакатини муфассал билишни талаб этмоқда.

Т. ЧЕРНОГАЕВА,
Тошкент шаҳри.

Ўлкамиз неъматлари шундай яратилади...





● Ўзбекистон меҳнат аҳлининг қўли гул... Тупроғимиз эса — зар...

Фармон ва ижро

МЕҲНАТ ҚАДРИ

Асрлар оша чин дилдан, ихлос билан меҳнат қилган инсон касби-коридан қатъи назар бадавлат яшаган ва бева-бечораларга ҳайр-эҳсон қилиб келган. Совет ҳокимияти йилларида ҳамма тенг яшаши керак, деган дастурни мажбуран халқ онгига тиқиштириш оқибатида яхши ишловчи ишбилармон, тадбиркор кишиларимиз қўли боғланиб, ишдан кўнгли совиб, бўлсабўларчилик кайфияти илдиз отиб кетди. Юқори унумли меҳнат натижаси ҳисобланган соф даромад турли йўллар билан хўжаликлардан олиб қўйилди. Иш ҳақи ҳажмини тизгинлаш, бир қолипда ушлаб туриш ҳам дангасалик кайфиятига хамиртуруш бўлди.

Эндиликда булар ҳаммаси қаттиқ афсусланиш билан эсланадиган тарихимиз бўлиб қолди. Озодлик ва мустақиллик шабадаси туфайли биз эндиликда бундай чеклашлар ва таъқиқлардан халос бўлдик. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан корхоналар меҳнат ҳақи фондини ҳар қандай йўл билан чеклаш бекор қилинди. Энг кам ойлик маош 350 сўм деб белгиланди. Бу миқдордан даромад солиғи олинмайдиган бўлди.

Деҳқонлар меҳнати самарадорлигини ошириш, уларни бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ҳимоялаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси «1992 йилда республика деҳқончилик хўжалигини ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари ва деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришни рағбатлантириш чоралари тўғрисида» махсус қарор қабул қилди. Мазкур қарорнинг ҳар бир банди, ҳар бир мисраси деҳқонларимиз меҳнатини кўкларга кўтаради, унинг асосий мақсади қишлоқни қайта қуришни жадаллаштиришга хизмат қилади, неча йиллар давомида қишлоқ хўжалигидан мажбуран тортиб олинган маблағларни унга қайтариб беришга қаратилгандир.

Аксарият мутахассислар бир неча йилдан бери қишлоқ хўжалигида давлат буюртмаси жуда баланд, уни пастроқ белгилаш керак, деган таклиф билан чиққан эдилар. Бюрократик марказ эса бунга қулоқ солмади, аксинча жамоа ва давлат хўжалигида етиштирилган маҳсулот етмагандек, деҳқон хонадонидаги биттаю-битта сигирдан соғиб олинган икки-уч литр сутни ҳам шахсий сектор топшириғи, деб йиғиб олишни тавсия этди ва жойларда бу мажбурият сифатида йўлга қўйилди.

1991 йил пахта ҳосилидан бошлаб Ўзбекистон Президенти Фармони билан режадаги толанинг беш фоизи ва режадан ортиқ толанинг ҳаммаси хўжаликларга эркин сотиш ҳуқуқи берилди. Лекин бу Фармоннинг асл мағзини кўпчилик тез илғаб ололмади ва ўтган йили қулай об-ҳаво шароитида ҳам пахта ҳосилининг бир қисми шудгорда қолиб кетди. Буни сўмга чақиб кўрсак минг эмас, миллионларни барбод берганимизни англаймиз.

Иқтисодий масалалар бўйича ўтказилган кенгашларнинг бирида Боёвут районидаги «Ленинизм» жамоа хўжалиги раиси К. Муҳитдинов жон қуйдириб айтдики: «Биз Фармонга халқимизни тез ишонтиролмадик, келинглар, амалда бизга тегишли толани тезроқ пахта тозалаш заводидан олиб беринглар, биз уни биржада юқори нархларда сотиб фойдасини лўнда қилиб кўрсатайлик». Раснинг ҳисоб-китобига кўра, 1991 йил кузида далаларда 300 тонна пахта терилмай қолган. Бу—салкам юз тонна тола, демакдир. Биржа баҳосида ҳар тоннаси 90 минг сўмдан бўлса, бу тўққиз миллион сўмдир. Жамоа хўжалигига 1991 йил Фармонийлда хўжаликлар пахта, пилла, дон, шоли, қуруқ мевалар, сут ва тухум бўйича белгиланган топшириқнинг 85 фоизини, мева-сабзавот ва картошка бўйича белгиланган топшириқнинг 50 фоизини энг юқори даражаси белгиланиб қўйилган харид нархларида республика жамғармасига етказиб берадилар, қолган маҳсулотларни эса шартномавий (эркин) харид нархларда сотадилар, деб белгиланди. Бундай енгиллик берилиши тушимизга ҳам кирмаган эди. Ҳозирги куннинг долзарб вазифаси қабул қилинган қарорлар мағзини чақиб, унинг салмоғини ақл тарозисида тортиб кўришдан иборат. Токи, ҳар бир деҳқон ўз меҳнат самарасидан тегишли манфаатдорлигини тушуниб етсин. Нонинг увоғи ҳам нон, деган нақлга амал қилиб, етиштирилган ҳосилни нобуд қилмай, давлатга, хорижга, бозорга сифатли қилиб етказиб бериш давр талабидир. Ҳар бир меҳнат жамоасида иқтисодий ўқишлар ташкил қилиб, меҳнаткашлар онгини бойитайлик, уларда тежамкорлик, мулкка нисбатан эгалик ҳиссини тарбиялайлик. Тадбиркорлик, ишбилармонликка кенг йўл очайлик.

Қ. ХОЛИҚОВ,
Сирдарё вилояти деҳқончилик-саноат уюшмаси молия бўлими бошлиғи.

Истеъдодларга кенг йўл

● ХОРИЖДА ЎҚИШГА КАТТА ЭЪТИБОР

● ЎЗБЕКИСТОН ВА АҚШ ИЛМГОҲЛАРИДА ТАЖРИБА АЛМАШИЛМОҚДА

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИ ИЗЛАЙМИЗ

Мустақил республикамизнинг келгусидаги барқарорлиги кўп жиҳатдан иқтидорли ёшларга боғлиқдир. Улуғбек номидаги республика жамғармаси ана шундай истеъдодли ёшларга дунё миқёсида иш юритувчи мутахассис бўлиб етишишга ҳомийдир. Мухбиримиз жамғарманинг ташқи алоқалар бўйича масъул котиби Қундузхон ҚОДИРОВА билан учрашиб, жамовининг мақсад ва режалари хусусида суҳбатлашди.

— Аввало, Улуғбек номидаги республика жамғармасининг иш фаолияти билан таништирсангиз.

— Жамғармамиз қисқа муддатда талайгина хайрли ишларни бажарди. Унинг ташаббускорлари республикамизнинг турли вазирликлари, Ўзбекистон Фанлар академияси, ташкилотлар, саноат корхоналаридан иборат. Мақсади эса иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларга моддий ва маънавий ғамхўрлик қилиш, жамиятимизнинг ишбилармон мутахассиси бўлиб етишишига шарт-шароит яратиш, хорижий мамлакатларда тажриба ва таҳсил олишларига ҳомийлик қилишдир. Бир сўз билан айтганда, жамғарма мустақил республиканинг иқтидорли ёшларини жаҳон миқёсига олиб чиқиш дарвозасидир. Бу вазифани бажариш учун йиллик дастур ишлаб чиқилган.

— Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва танлаш ишлари қандай амалга оширилади?

— Истеъдодли ёшларни танлов жамғарма раёсати кенгашида тасдиқланган низомга кўра, махсус танлов ҳайъати аъзолари қарори билан аниқланади. Улар танлов пайтида иқтидорли олим ёки талабанинг истеъдоди, келгусида мутахассислиги бўйича республика равнақига қўшажак ҳиссасига ҳам алоҳида эътибор беради. Шу ўринда бир мулоҳазали фикрни айтиб ўтиш керак. Хорижий давлатларда ўқишни ёки тажриба орттиришни истовчилар аввало, малакали мутахассис ёки чет эл дорилфунуни ёки коллежлари талабига жавоб берадиган билимга, лаёқатга эга бўлиши шарт. Шунингдек, ўша мамлакат тилини ёхуд инглиз тилини мукаммал ўзлаштирганлиги ҳам ҳисоба олинади. Эслатиб ўтамиз, чет элга иқтидорли ёшларни юбориш давлатлараро шартномалар орқали ёки тўғридан-тўғри жамғармамиз орқали амалга оширилади.

— Хорижда таҳсил олишни истовчи иқтидорли ёшлар қай йўсинда — бевосита ёки маълум бир босқичдан ўтиб жамғармага мурожаат этадиларми?

— Аксарият ҳолларда «қўнғироқлар» мурожаат этишяпти. Бундан биз хурсандмиз, албатта. Лекин айрим ҳолларда ана шундай ёшлар танловдан ўта олмаяптилар. Айниқса, уларнинг чет тилларидан бирортасини мукаммал билмасликлари афсусланарлидир. Билганлари ҳам сўзлашув нутқида оқсаяпти. Бу эса ўрта мактабларда, олий ўқув юртларида чет тилини ўрганишга жиддий киришиш шартлигини тақозо этади.

Яна бир мулоҳаза. Олий ўқув юртлари, ўрта мактабларда, вилоятларда иқтидорли ёшлар билан шуғулланувчи махсус ҳайъатлар ишини жонлантириш зарур. Ана шунда ҳақиқий истеъдод соҳибларини аниқлаган бўлардик. Беҳудага вақт, харажат сарфлашга чек қўйиларди.

Маълумки, ўтган йили Иқтисодиёт дорилфунунидан 10 нафар талаба АҚШга, Ўзбекистон Фанлар академияси Химия илмгоҳидан катта илмий ходим Жовшид Авлиёев АҚШдаги нуфузли дорилфунуннинг профессори Пенсинван қўлида илмий ишни давом эттириш учун жўнаб кетди. Бундан ташқари чет эллардаги дорилфунун, коллеж, йирик саноат корхоналарига кўплаб истеъдодли ёшларни юбордик.

Яқинда АҚШдаги «Рок Феллер» илмий марказидан икки кишилик таклифнома олдик. Истеъдодли иқтисодчи ва малакали тижоратчини жаҳон миқёсида иш юритувчи мутахассислар қилиб етиштириш учун сўрашибди. Танлов ҳайъатига кўплаб истеъдодли ана шундай касб эгалари ва талабалар мурожаат этаётгани қувонарлидир. Ўз навбатида хориждан келган ёшлар ва илм масканларимизда таҳсил оляпти.

— Келгусида жамғарма фаолияти янада кенгайтириладими?

— Албатта. Шуни таъкидлаш керакки, жамғармамиз иқтидорли ёшлар учун кенг тармоқда иш олиб боряпти.

Айниқса, валюта муаммоси ўзингизга маълум. Бир олим ёки талабанинг хорижда таҳсил олиши учун ўртача 12 минг (валюта ҳисобида) маблағ сарфланади. Республикамиз раҳбарлари иқтисодий қийинчиликларга қарамай иложи борича истеъдодли ёшлар учун ана шундай маблағларни топиш чораларини излаяпти. Ҳозир жамғармамизнинг 90 га яқин ҳомийлари бор. Лекин айрим ташкилот ва корхоналар, имконияти бор ўқув масканлари бу масалага жиддий киришмаяпти. Улар иқтидорли ёшлар учун маблағ ажратсалар жамғармамиз бажонидил хорижда таҳсил олишларига воситачилик қилган бўлур эди. Маблағларни Буюк ипак йўли банкида валюта билан, «Меҳнат» банкида эса пул ҳисобида амалга оширилади.

— Суҳбатингиз учун ташаккур.

Суҳбатдош Самда НУЛДОШЕВА.

Маҳсулотларимиз дунё бозорида

● Сержилло маҳсулотларимиз шуҳрати оламга ёйилган. Суратларда: 1. Тошкент чинилари.- 2. Афғонистонлик меҳмонлар Риштон кулоллари ҳузурида. 3. Совғабоп маҳсулотлар.

ЯНГИЛИКЛАР

ЕНИЛҒИНИ ҚАНДАЙ ТЕЖАШ КЕРАК

Ўта тақчиллик ҳукм сураётган даврда бу масала ҳар бир транспорт корхонаси ходимларини ташвишга солмоқда. Ёнилғини тежаб тергаб сарфлаш учун нима қилиш керак, ишларни қандай қилиб тўғри ташкил этса бўлади? Бу саволга Самарқанд дорилфунуни риёзиёт куллиётининг олимлари жавоб бердилар.

Улар замонавий электрон ҳисоблаш машинасига муаммони ҳал этиш вазифасини «топширдилар». Ишлаб чиқилган тизимнинг жорий этилиши натижасида автомобиль корхоналари йилига энг камида 80 минг сўм пулни тежаб қоладилар.

Самарқанд.

БИНОКОРЛИК МАТЕРИАЛЛАРИДАН... СОАТЛАР

Чимбой дўконларига шу ердаги бинокорлик материаллари заводининг фирма тамғаси билан совға қилишга мўлжалланган соатларнинг дастлабки туркуми келтирилди.

Корхонада соат механизмларини йиғишмайди, лекин сополдан ясалган чиройли қоплама бу ерда ишлаб чиқарилаётган мебеллар билан ажиб тарзда уйғунлашиб кетган. «Ғилдирак» деб аталган янги соат қобиғини халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш цехининг омилкорлари тақдим этишди.

Қорақалпоғистон. (ЎзА мухбири).

Ўзбекистон — дунё орзу қилган диёр

● Жаҳонгашта сайёҳлар Ўзбекистонни бир кўришни орзу қилишади. Бу — бежиз эмас. Чиндан ҳам кўз-кўз қилувчи обидаларимиз бор.

АНАДЎЛИ АХБОРОТ БОШҚАРМАСИНИНГ МОСКВА БЎЛИМИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Туркия Бош вазири Сулаймон Демирэл Туркиянинг Ўрта Осиёда туркияпарастлик мақсадларидан йироқлигини таъкидлади.

АҚШга ташриф буюрган Бош вазир Демирэл Туркиянинг Ўрта Осиё республикаларига маърифатли дунёга тенглашишлари учун ёрдамга тайёр эканини билдирди.

Бош вазир Демирэл Вашингтонда АҚШ Президенти Жорж Буш билан учрашиб, мулоқотда бўлди. Президент Буш Сулаймон Демирэлга Туркия билан АҚШнинг Ўрта Осиёдаги республикаларга иқтисодий ёрдам кўрсатиш соҳасида ҳамкорлик қилиш истагини билдирди.

* * *

Туркиядан Ўзбекистон ва Тожикистонга инсонпарварлик ёрдами юкларини ташиш бошланди.

Америка Қўшма Штатлари билан Туркия кўрсатаётган ёрдам юкларини ортган АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг С—141 самолётлари Анқарадан йўлга чиқди. Улар Тожикистон пойтахти Душанбе ва Ўзбекистон пойтахти Тошкентга парвоз қилишди.

Ўзбекистон билан Тожикистонга ёрдам юкларини ташиш кейинги кунларда ҳам давом эттирилади.

(АА—ЎзА).

Меҳнат жамоаларида

ҚЎШИМЧА ЁРДАМ ПУЛИ

Марғилон ипакчилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмуриятининг ўз меҳнат жамоасини бозор муносабатлари шароитида ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирларини кўрмоқда.

Ўтган йили корхонада бу соҳада анча ишлар қилинди. Жумладан, маошлар йил бошида 424 сўм бўлса, декабрь ойига келиб, 935 сўмга етказилди.

Шу йилнинг 16 январидан бошлаб цех ва участкаларда иш ҳақи қайта кўриб чиқилиб, икки бараварга оширилди. Тушлик учун эса кунига 7 сўмдан товон пули бериладиган бўлди.

А. ҚУТБИДДИНОВ,
Фарғона вилояти.

УРЧУҚ ТАСМАСИ ТЎҚИЛЯПТИ

Наманган шойи газламалар ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси Шуя машинасозлик заводи билан ҳамкорлик ўрнатиб, ускуналар муаммосини ҳал этишди. 1992 йилда россиялик машинасозлар корхонага «АЛБ—2—45» маркали урчуқ тасмаси тўқийдиган дастгоҳлардан бир нечасини етказиб берадиган бўлдилар.

Яқинда дастлабки тўқув дастгоҳлари келтирилди. Уни наманганлик мутахассислар бирлашманинг қайта ишлаш цехига ўрнатишди. Уч кун ичида ушбу дастгоҳларда 500 метрдан зиёд урчуқ тасмаси тўқилди.

— Йиллик эҳтиёжимиз учун 500 минг метр тасма зарур эди, — дейди бирлашма бош муҳандиси С. Дадахонов. — Ҳамкорлик туфайли муаммо ўз ечимини топди. Яна бир янгилик шуки, ушбу дастгоҳларда резинали тасмалар тўқиш ҳам йўлга қўйилди.

Т. СУЛАЙМОНОВ,
Наманган вилояти.

• НУҚТАИ НАЗАР •

ВАҚТЛИ МАТБУОТ ВА МУСТАҚИЛЛИК

Баъзи рўзномаларда босилаётган айрим мақолалар ҳақида

Қайта қуриш даврида биз юқтирган ва ҳануз бедаво касаллик танқидбозлик бўлиб қолди. Аввал турғунлик даврини, кейин сталинизм, социализм, ленинизм ва коммунизмни, хуллас, СССР босиб ўтган 75 йиллик йўлни, айниқса, раҳбарларни танқид қилишда пойга авж олиб кетди. Ким матбуотда, мажлисда, митингда ёки ойнаи жаҳон қаршисида энг катта бошлиқнинг боплаб пўстагини қоқса, ўша қаҳрамон саналадиган бўлди.

Мана ниҳоят танқидлардан чанқоғимиз аста босилмоқда. Турғунлик йилларида мақтовларни қандай лоқайдлик билан тинглаган бўлсак, энди танқидлардан бетимиз қотиб, ҳар қанча эзғиласалар ҳам парво қилмайдиган бўлаяпмиз.

Бунинг маълум сабаблари бор. Матбуот саҳифалари ҳамда радио ва телекўрсатувлар мавзуларини босиб кетган пахтавон танқид орасидан ҳақиқийсини ажратиб олиш ниҳоятда қийин бўлиб қолди. Боз устига бизнинг танқидчи қаламкашларимиз камчиликларни аёвсиз очиб, масалан, бирон давлат ёки жамоа хўжалиги раҳбарлари йўл қўйган нуқсонларга дуч келиб қолгудай бўлишса уларни ер билан битта қилиб фош этадилар. Шу билан иш ҳам битади. Энди юқоридаги мутасадди ўртоқлар бу ачитқи ошни сузиб олаверсинлар, деган бир хил хулоса билан тахта-ўқловни йиғиштириб, бошқа ишга киришиб кетадилар. СССР шароитида айбдор ва мутасадди ўртоқни кундузи чироқ ёқиб ҳам топиб бўлмас эди. Худога шукур, ҳозир рўзғоримизни бўлак қилиб олганмиз. Идоралар ва масъул раҳбарлар халққа яқин келишди. Лекин матбуот саҳифаларида ҳамон белгисиз томонга пахтавон танқид ўқини отиб кишиларнинг жиғига тегиш давом этяпти.

Ёш ёзувчи Шойим Бўтаевнинг шоирона ташбиҳлар ва яхши ниятлар билан ёзилган «Руҳимда улуғ мерос яшайди...» сарлавҳали очерки («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1992 йил 17 январь) қаҳрамони, Олтиариқ районидаги хўжаликлараро қорамолларни бўрдоқига боқиш корхонасининг директори Абдуманноп Аҳмадалиев колхоз ва совхозларни тарқатиб, уларнинг мулкини аҳолига тақсимлаб бериш керак, дейди. Бир қарашда у киши камқувват, ўзини-ўзи уддалолмаётган жамоа хўжаликларини фермерлар ва деҳқон хўжаликлари ихтиёрига бериш ҳақида катта минбарлардан кўп марта айтилган таклифларни такрорлаётганга ўхшаб кўринади. Ҳозир камқувват давлат хўжаликлари ҳақида шундай қарор чиқди. Жамоа хўжаликларида ҳам барибир шунга келамиз. Лекин аҳоли жуда тиғиз жойлашган ва ишсизлик кучли ижтимоий муаммога айланган Олтиариқ райони шароитида ҳозир жамоа хўжаликларининг ерларини ва бошқа воситаларини аъзоларига осонгина тақсимлаб бўлармикин? Агар бунинг иложи топилса, марҳамат, катта чорвачилик корхонасига 44 йилдан бери директорлик қилаётган Абдаманноп Аҳмадалиевнинг ўзи бу ишни бошлаб берсинлар. Балки очеркнинг бошидан охиригача ёзгириб, қайта-қайта таъкидлаганидек, бу гал ҳам «қоринбой раҳбарлар» у кишининг оёғига тўғаноқ солар? Бас, агар шу ҳол такрорланса, энди очиқчасига айтайлик ва ёзайлик: кимлар ўша раҳбарлар? Эгасиз танқид осмонга отилган ўққа, яна ҳам соддароқ қилиб айтсак, имзосиз хатга ўхшайди. Бозор аниқ ҳисоб-китобларни ёқтирадими, келинг, энди айбдорларнинг хатосини очиқ кўрсатиб, юзма-юз мардларча танқид қилишни ўрганайлик. Ана шунда 200 бош давлатнинг қорамолига қўшиб раҳбарларнинг ҳам ана шунча миқдордаги моли боқилаётган ферма Олтиариқнинг қайси хўжалигида экан, деган ёки бўлмаса ёши етганда нафақа олмайдиган уй бекалари Ўзбекистоннинг қайси қишлоғида яшашади, қабилидаги саволларга ўрин қолмайди. Айни пайтда айбдорни тийиб қўйиш ва камчиликларни бартараф этиш осон кўчади.

Айрим кишиларнинг назарида Ўзбекистондаги «энг демократик журналист» республикада бирон нохуш воқеа рўй бергудек бўлса, аввало Москвада чиқадиган «Московские новости», «Независимая газета», «Комсомольская правда» ва бошқа рўзномаларга чопади. Лекин бу рўзномалар Ўзбекистон ва ўзбек халқи учун қачон холис хизмат қилган? Тинчлик пайтида армиядан Ўзбекистонга темир тобутлар оқиб келаётганда «Комсомольская»даги, дўстларимиз қаерда эдилар? Пахтамиз, олтинимиз, бошқа бойликларимиз сув текинга ташиб кетилаётганда «Мегаполис—экспресс»даги «ўртоқларимиз» нима учун миқ этишмади? Ўша ҳақиқатпарварлардан бир сўраб кўринг-чи, юз эллик йил давомида қадим Туркистондан талаб кетилган бойликлар ва ҳозир Россия хазиналари ҳамда музейларини безаб турган тарихий ва маданий бойликларимизни ўзимизга, яъни ҳақиқий меросхўрларга қайтариш ҳақида кампания бошлашга рози бўлармикинлар?

Асло!

Ўзбекистоннинг мустақиллик йўлидаги одимлари «великорус шовинизми»нинг жиғига тегаётир. Ўзбекистондан келган ҳар бир нохуш хабар улар учун умид мужди бўлиб туюлади. Қани энди нотовоқ умидлари рўёбга чиқиб бу ерда ҳам Яқин Шарқ ёки Тоғли Қорабоғга ўхшаш зиддиятлар ўчоғи тезроқ очилсаю, улар: «ўл-а, Улуғ Россия бўлмаса ҳамманг қирилиб битасанлар!», деб роса ҳумордан чиқишса.

Эсингизда бўлса, ўтган йилнинг август-сентябрь ойларида — Ўзбекистоннинг мустақиллиги учун кураш ҳал қилувчи поғонага кўтарилган дамларда марказ матбуоти, айниқса «Известия», «Мегаполис — экспресс», «Комсомольская правда» рўзномалари бизга қарши кампанияни авж олдириб юборган, кейинчалик бу ташвиқот учун маълум доиралар томонидан катта миқдорда махсус маблағ ажратилгани ҳақида гап бўлган эди.

Референдум ва Президент сайловини барбод қилиш учун ҳам 20 миллион сўм ажратилгани ҳақидаги ахборотларни энди эшитдик. Худди шу кунларда «Маяк» тўлқинларида, «Комсомольская правда» ва «Известия» саҳифаларида яна ёлғон хабарлар пойгаси бошланди. Уларда айтилишича, ҳали диний бошқарма бошлиғи ишдан олидентининг Фармони билан 1992 йилнинг биринчи январидан меҳнат нафақаси ва фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромадининг энг кам миқдори 350 сўм қилиб белгиланганини ўқимаган бўлиши мумкин. Иттифоқ Президентининг истеъфога чиқиши муносабати билан ўтган йилнинг декабрь ойидаёқ унга икки минг сўм маош оладиган миллий масалалар бўйича маслаҳатчи керак бўлмай қолгани балки шоир Тўлқин учун қизиқ эмасдир.

Нафсиламбирини айтганда, камчиликларимизни атрофлича таҳлил билан ҳақконий кўрсатиб берган рўзномалар ёки журналистлардан эмас, балки юзаки ва арзон шов-шувларга ишқибозлик қилаётган мухбирлардан кўп зарар етаяпти.

Талабалар шаҳарчасидаги воқеалар ҳозир журналистлар учун энг ўткир мавзу бўлиб қолди. Ўзбеклар ва Ўзбекистон ҳақида кам материал бергани учун хориж рўзномаларига ўхшаб қолаётган «Молодёжь Узбекистана» мана шу тартибсизликлар баҳона бир оз шуҳрат ҳам ишлаб олди. Қон тўкилган. Фожеа содир бўлган. Шунинг учун воқеа бор тафсилоти билан халққа маълум қилиниши керак, деган талаб табиийдир. Бу ҳақда ҳукумат комиссияси албатта ўз сўзини айтади. Лекин унгача ёзилаётган мақолаларда кўп ҳолларда воқеа тафсилотини ҳиссиёт, ҳайқириқлар ва чақириқлар босиб кетмоқда. Яхшики, «Туркистон» газетаси, ундан кейин Ўзбекистон радиосининг «Камалак» программаси Талабалар шаҳарчасидаги тўпланиб қолган ижтимоий муаммолар, ётоқхоналарда яшаш шароитининг ночорлиги ҳам порт-лашга сабаб бўлди, деган адолатли хулосани чиқарди. Қайта қуриш йилларида бошқа соҳаларда бўлгани каби олий билим даргоҳларимиз ҳам назоратсиз қолди. Таъмагирлик, таниш-билиш ва пора билан ўқишга кириш кучайди. Бунинг оқибатида талабалар орасида миллий қадриятларимизни пулга чақадиган, ҳатто мустақиллигимизни истаган пайтда нафсига қурбон қилишга тайёр кимсалар пайдо бўлди.

Дўконга нон олиб келмаслик — бир жиноят. Бунга жавобан ана шу нон билан савдо қиладиган дўконларни вайрон қилиш — иккинчи жиноят. Тўпалончиларни қурол ва сўйил билан тинчитишга уриниш сабабли жиноятнинг занжир реакцияси юксак нуқтага кўтарилган. Йигитларни ўққа тутган, калтаклаган «ОМОН»чиларнинг қилмишини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Лекин тош отиб милициянинг жиғига теккан, дўконларни талаб, вагон ойналарини синдириб безорилик қилганларни оппоқ қилиб кўрсатиш ҳам гўстоҳликдир. Эрта — индин зиёлиларимиз сафига қўшиладиган фикри тиниқ ёшлар ўз ораларидаги битта-иккита мана шундай безориларни, ҳатто бегоналарни ўзлари тинчитиб қўйишлари ҳам мумкин эди-ку! Нима учун журналистларимиз бу ҳақда атрофлича ёзмайдилар?

Биз юқорида «Молодёжь Узбекистана»ни худди чет элда чиқадиган рўзномага ўхшайди, дедик. Бу ташбиҳ, Ўзбекистонда чиқадиган русий забон бошқа айрим газеталарга, хусусан, «Правда Востока»га ҳам тегишлидир. Мазкур рўзнома кейинги пайтда ўз саҳифаларида Россия ҳақидаги материалларга катта ўрин ажратмоқда, бундай материалларни асосан биринчи саҳифасига жойлаштирмоқда. Масалан, шу йилнинг 30 январь сонини олинг. Орқа планда берилган икки-уч ахборотдан бошқа материалларнинг Ўзбекистонга ҳеч қандай дахли йўқ. Фақат шугина эмас, «Правда Востока» айрим муаллифларининг турли хил кесатиқлари, коса тагида нимкоса яширинган бошқа ҳурмача қилиқлари ҳам ҳақли равишда жамоатчиликнинг ғашига тегмоқда. Сарлавҳаларни қаранг: «Америка нас признала. А мы её нет!» (28 январь), «Россия заплатит СКВ, Узбекистан — рублем» (25 январь). Бу сарлавҳалар тагидаги материалларнинг мазмуни эса, мен нима дейману қўбизим нима дейди қабилида.

Умуман, Ўзбекистонда чиқадиган барча русийзабон вақтли матбуотни мустақил республика манфаатлари нуқтаи назаридан атрофлича ўрганиш масаласи жуда етилди. Тоталитаризм даврида сохта байналмилалчилик ниқоби билан, аслида эса руслаштириш мақсадидан келиб чиқиб, вилоят ва республика рўзномалари қатъий равишда икки тилда чиқарилар эди.

Ҳозир Ўзбекистондаги 21 миллион аҳолининг 17 миллиондан кўпроғини ўзбеклар ташкил этади. Лекин вақтли матбуот нашрлари сонида, телекўрсатувларда ҳануз бу нисбат писанд қилинмайди. Устига устак «Экономическая газета» каби бир тиллик янги нашрлар бодраб чиқмоқда. Нархи осмонга чиқиб кетиб, маҳаллий матбуотимизни зир қақшатаётган қоғознинг бу-ларга оппа-осонлик билан топила қолганига ажабланасан киши.

Матбуот — катта куч. Собиқ СССРнинг собиқ президенти Михаил Горбачев истеъфога чиқаётганида уни доғда қолдирган сафдошларидан, ёки партиядошларидан эмас, балки журналистлардан хафа бўлганида минг марта ҳақ эди. Шундан келиб чиқиб ҳудоса қилганда, бизга демократик матбуот жуда керак. Лекин бу демократия Ўзбекистоннинг мустақиллигига, аҳолисининг манфаатларига хизмат қилиши шарт.

А. АБДУРАЗЗОҚОВ.

Муштарий илҳоми

Келдиму?

Жўшиб сайрар булбуллар, азиз меҳмоним келдиму!
Равшан тортди кўзларим, ёруғ жаҳоним келдиму!
Қайнар қалбда илҳомим, севги достоним келдиму!
Гул сочар ер боғ аро сарви равоним келдиму!
Жон ичи гулдин келур, ороми жоним келдиму!

Ёрим исми ўзи каби гўзал, ёнинг Ҳалима,
Келишлиги аён бўлиб кўрингани фолима.
Дўстим дейди: «Бахтиёрсен, тақдирингдан нолима».
Беҳуд эрдим айтгали кўнглум, чу келдим ҳолима,
Айтинг ур оворайи бехонумоним келдиму.

Инсон асли туғилади кўпроқ яшаб тургали,
Дунёнинг бор лаззатини бир-бир татиб кўргали,
Яна халққа хизмат қилиб, даври-даврон сургали.
Демангизким, келди маҳвашлар сени ўлтургали,
Муни денгким, қотили номеҳрибоним келдиму!

Ланъат тамғаси одамда асло бўлмасун осиғ,
Умид бирла юрган йўлида у ҳеч кўрмасун тўсиғ.
Яраламасун қалбини туҳматдан яралган тиғ.
Ҳажриддин ўлдум демангким, бошима келмиш Масиҳ,
Айтинг, ул осойиши руҳу равоним келдиму!

Севган ёрингининг келиши — тенги йўқ бахт, яхшилик,
Жисмингни тарк этгусидир ғам-ғуссалар, хасталик.
Гул тутиб, сўнг саломинга оладурмен мен алик.
Кўюнгга ушшоқ келгандин хабар тутгунг, валек,
Демадинг ул зори беному нишоним келдиму!

Деманг севганинг Тўрага сен талабгор ўлмадинг,
Ул меҳрибон, деманг унга ёр қадрини билмадинг.
Ҳазиллашманг ҳаттоки деб: «Уни писанд қилмадинг».
Зуҳд қўйига кўнгул бирла, дедингким, келмадинг,
Эй, Навоий неча айтиб ул ёмоним келдиму!

Тўра ЖУМАН.

Хотира китоби

САВОБЛИ ИШЛАР

Халоскорлик урушида фашизм устидан эришилган Буюк ғалабага қарийб 50 йил бўляпти. Зотан, даҳшатли урушнинг силсиласи ҳамон қалбларга ғулу ва титроқ солаётгандек.

Жангу жадалда эришган ғалабага ўзларининг катта улушларини қўшган ва озодлик йўлида жон фидо қилган қаҳрамонлар ҳақидаги хотира эса йилдан-йилга қадр топмоқда. Ҳанузгача фарзандини кутаётган оналар, хабар келиб қолса зора, деб умид қилаётган бевалар, ўғлининг йўлига кўз тиккан отахонлар, онахонлар камми?

У кунларнинг шуҳрати ўчмас, қаҳрамонлар номи ҳамиша ҳурмат билан тилга олиниб, уларга ҳурмат бажо келтирилаверади. Бу борада хайрли ишларга қўл урилмоқда. Ватан озодлиги йўлида жонини тикканларнинг исм-шарифлари қайд этилган хотира китобини яратишга киришилди. Тўрт йил давом этган урушда қаҳрамонларча йиқилган ёки бедарак йўқолган, душман лагерларида қолиб, азоб-уқубат кўрган эр йигитларнинг ҳаммаси ана шу китобда жамул-жам бўлиши кўзда тутилган. Фақат душман билан юзма-юз келганда қўрқоқлик қилиб орқага тисланган, Ватанни сотган ёки ёвга ёлланганлар учун китобдан мутлақо ўрин йўқ.

Хотира китобини тузишда қутлуғ ишга кенг жамоатчилик жалб этилмоқда. Улуғ Ватан уруши архивидаги битмас-туганмас ҳужжатлар кўздан кечирилмоқда. Ҳарбий комиссарликлар, тадбиркор ўлкашунослар, ёшлар ва изқуварлар яқиндан ёрдам беришмоқда. Чунки ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди рамзи остида чиқадиган бу китоб миллионлаб кишиларнинг ўзига хос ёдномаси бўлиб қолади, деган умидмиз.

Хотира китобига рўйхати олинганлар асосан ҳамюртларимиздан иборат бўлиб, улар ҳақида қисқача маълумот, зарур топилса фотосуратлар илова қилинади. Ҳозир китобни босмага ҳозирлаш учун зарур бўлган барча маълумотлар тўпланган, деса ҳам бўлади. Фақат баъзи ишлар бўйича аниқликлар киритилмоқда.

Хотира китоби катта ишнинг бошланиши холос. Келажакда бу туркумдаги ишлар давом эттирилади.

Биринчи китобга кирмай қолган кўпгина уруш қатнашчилари ҳақидаги маълумотларни тўплаш изчиллик билан давом эттирилади. Чунки биринчи китобдан кейин Улуғ Ватан урушига дахлдор кишилар хотирасида янги-янги фикрлар, мулоҳазалар ва таклифлар пайдо бўлиши мумкин. Ҳар қалай хотира китобининг босмага тайёрланиши савобли ишлардан бири, деб биламиз.

Н. БЕРЕЗНЯК,
уруш фахрийси.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● 367.500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № 221.

№ 34.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.56. Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.